2003 YIL 15 MAY, PAYSHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№63 (6.588). Sotuvda erkin narxda

# Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари иштирокчиларига

Қадрли фарзандларим!

Авваламбор, сизларни, мана шу муҳташам майдонда тўпланган, қизғин беллашувларга шай бўлиб турган барча ўғил-қизларимизни бугун қадим Хоразм воҳасида бошланаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

«Умид ниҳоллари» деб ном олган, ўқувчи ёшларни чиниқтириб, иродасини тоблайдиган бу кескин спорт мусобақалари униб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимизни Ватанни ҳимоя қилишга, уни улуғлаш, қудратига қудрат қўшишга, халқаро майдонларда унинг обрў ва нуфузини янада юксалтиришга қодир бўлган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Эл-юртимиз бугун сизларга катта умид боғлаб, том маънодаги баркамол бўлиб етишишингиз учун барча имкониятларни яратиб, олдингизда истиқболнинг равон йўлларини очиб бермоқда.

Бугун сиз, азиз болаларимизнинг бетакрор ўқувчилик йилларингиз сермазмун ва тўлақонли бўлиб ўтиши ва ҳаётда муносиб ўрнингизни эгаллаб олишингиз учун ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз қаторида бутун халқимиз тинмай хизмат қилмоқда.

Ишончим комилки, сизлар мана шундай юксак эътиборга жавобан халқимизнинг таянчи ва суянчи, Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвари бўлиб улғайишга, жаҳон спорт майдонларида мамлакатимиз байроғини ҳамиша баланд кўтаришга бор куч ва имкониятингизни сафарбар этасиз.

Мен Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд сингари буюк баҳодирлар етишиб чиққан мана шу муқаддас заминда бўлиб ўтадиган спорт беллашувларида барчангиз ғолиблик учун ҳалол ва мардона кураш олиб борасиз, маҳорат ва қатъиятингизни намоён этасиз, деб ишонаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Шу фурсатдан фойдаланиб, қисқа муддатда замонавий ва муҳташам спорт иншоотларини бунёд этиб, сизларнинг ихтиёрингизга топширган қўли гул қурувчиларга, шу хайрли ишда қатнашган барча ташкилотлар, туман ва вилоят ҳокимликларининг ходимлари ва раҳбарларига, бутун Хоразм аҳлига сиз, ёшларнинг номингиздан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Жисмоний баркамоллик, куч ва ирода, гўзаллик ва нафосат байрами бўлган бугунги спорт ўйинларининг бошланиши билан сизларни яна бир бор қутлаб, барчангизга бўлғуси беллашувларда зафар ёр бўлишини тилайман.

Спортда ҳам, ҳаётда ҳам бахт ва омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин, азиз фарзандларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**Оққўрғон туманидаги "Покиза-М" фермер хўжалиги ғаллазорларига кирган кишининг кўзи қувнайди. Бир текисда етилаётган буғдой бошоқлари фермер хўжалигининг бу йилги даромади ҳам юқори бўлишидан дарак бермоқда.**

**-32 гектар майдонга ғалланинг "Умманка" навидан экканмиз, - дейди фермер Малик Каримов. – Ниятимиз гектаридан режадаги 29 центнер ўрнига 65 центнердан ошириб ҳосил етиштириш. Бу ишни амалга оширишда ёш олим Отабек Ҳусановнинг амалий ёрдами менга қўл келмоқда.**

**СУРАТДА: фермер Малик Каримов (ўнгда) ва ёш олим Отабек Ҳусановлар ғалла ҳосилини кўздан кечирмоқда.**

Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

# 2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

**2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан, сифатли ва қисқа муддатларда ўтказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси, «Ўзагромашсервис» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг:

жорий йилнинг 15 майигача дон хирмонлари ва майдончалари, дон тозалаш қурилмалари ва донни дастлабки қайта ишлаш бўйича бошқа воситалар, шунингдек бошоқли дон экинлари ҳосилини қабул қилиб олиш учун дон қабул қилиш пунктлари ва элеваторлар тайёрлаб қўйилганлиги;

жорий йилнинг 25 майигача таъмирлаш ишлари, дон ўриш комбайнлари, дон ташиш учун транспорт воситалари тайёрлаб қўйилиши, ҳосилни йиғиштириб олишга ғалла ўриш комбайнлари тўлиқ жалб қилиниши, биринчи навбатда, ҳосил ўрим-йиғимида юқори унумли «Кейс», «Клаас» ва «Нью-Холланд» комбайнларининг қатнашиши;

доннинг хўжаликлар томонидан тайёрлов пунктларига албатта дастлаб тозаланган, ифлослиги ва намлиги стандарт норматívлардан ортиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилиши таъминланиши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2003 йил дон ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олишни ташкил этиш ва амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагромашсервис» уюшмаси, унинг ҳудудий бирлашмалари ва машина-трактор парклари раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагромашсервис» уюшмаси донни комбайнлардан хирмонларгача ва дон қабул қилиш пунктларигача ташиш учун юк автомобиллари, тиркамали транспорт тракторлари ишга солинишини таъминласинлар, шунингдек умумий фойдаланишдаги автокорхоналардан ва бошқа ташкилотлардан транспорт воситаларини шартнома асосида жалб этсинлар.

Зарурат бўлганда дон ташишга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар автотранспорти шартнома асосида жалб этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, донни дон қабул қилиш пунктларига ташиш бўйича транспорт харажатлари «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси томонидан тўланади.

4. «Ўзагромашсервис» уюшмаси бошоқли дон экинлари янги ҳосилини йиғиштириб олиш учун қишлоқ хўжалиги техникасининг юқори даражада тайёрланишини таъминласин ҳамда зарурат бўлганда тузилган шартномалар асосида вилоятлар ўртасида ғалла ўрим-йиғим техникасини экипажлари билан бирга қайта тақсимласин.

5. 2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олишга кўмаклашиш учун Ишчи комиссия тузилсин, унга жойларга бориб қишлоқ хўжалиги техникасини ўз вақтида тайёрлаш ва ресурсларни қайта тақсимлаш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш ҳуқуқи берилсин.

6. 2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш даврида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинлар келиб чиқишининг олдини олиш ҳамда доннинг талон-тарож қилиниши ва нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг тингловчилари ва курсантларини вилоятлар ички ишлар бошқармалари ихтиёрига юборсин;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси Ички ишлар вазирлиги буюртманомалари бўйича тингловчилар ва курсантларни вақтинча бўлиш жойига олиб бориш ҳамда ҳосил йиғиштириб олингандан кейин уларни қайтариб олиб келиш учун зарур миқдордаги транспорт воситалари ажратилишини таъминласинлар. Тингловчилар ва курсантларни ташиш билан боғлиқ транспорт харажатлари «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ва «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари тингловчилар ва курсантларни вақтинча яшаш жойлари, озиқ-овқат, уларни ташиш учун транспорт ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан ғаллакор хўжаликлар маблағлари ҳисобидан таъминласинлар.

7. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳосилни йиғиштириб олиш даврида хўжаликларга, машина-трактор паркларига ҳамда ҳосилни йиғиштириб олиш ва ташиш билан банд бўлган бошқа ташкилотларга ёнилғи-мойлаш материаллари улар қийматининг 15 фоизи олдиндан тўлангандан кейин белгиланган лимитлар доирасида узлуксиз берилишини таъминласин.

8. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси билан келишган ҳолда янги ҳосилни йиғиштириб олиш даврида дон ташишга имтиёзли тарифларни қўллашни назарда тутсинлар, унинг қиймати ошиб кетишига йўл қўймасинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси хўжаликлар томонидан дон сотиш тўғрисидаги статистика ҳисоботларининг тўғрилигини дон қабул қилиб олиш корхоналари бўйича мунтазам равишда текшириб борсин, ҳисоботни бузиб кўрсатишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисида тезкорлик билан Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Ҳ.Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С.Юсупов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри
2003 йил 13 май

# МИЛЛИОНЛАР НИГОҲИДАГИ НИҲОЛЛАР

***Хоразмдан махсус мухбиримиз Умид Бекмуҳаммад хабар қилади:***

***Урганч шаҳрида мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари – 2003" республика спорт ўйинларининг финал босқичи бошланди.***

Забардаст спортчилар етиштириб чиқариш, мамлакатимизнинг энг олис бурчакларида ҳам болалар спортини ривожлантириш, шу орқали Ватанимиз довруғини дунёга таратадиган ўғил-қизларни камол топтиришга йўналтирилган ушбу мусобақалар самараси ўлароқ, бугунги умид ниҳоллари пайти келиб мустаҳкам чинорларга айланажагига шубҳа йўқ.

Хоразмда мусобақалар бошлангунга қадар "Хоразм" ўйингоҳи, бир қатор спорт иншоотлари замонавий услубда қайта таъмирланди, Урганч шаҳрида муҳташам Олимпия заҳиралари спорт коллежи барпо этилди.

Байрамона кайфият, кўтаринкилик ва улуғворлик касб этган "Хоразм" ўйингоҳида "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросимини кузатиб, ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуси қанчалар шиддат билан жўш ураётганини ҳис қилиш қийин эмас.

Тадбирни Хоразм вилоят ҳокими И.Бобожонов очди. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб берди.

Ўйингоҳ узра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳамда мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" республика мусобақалари байроғи кўтарилди. "Хоразм" ўйингоҳида "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг машъаласи ёқилди.

Сўнгра мусобақа иштирокчиларининг кўргазмали чиқишлари, таниқли санъаткорлар, ўзбек эстрада юлдузларининг концерт дастури ва театрлаштирилган томошалар намойиш этилди.

Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Худойбергенов, Т.Рисқиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

# ЕР – БЕБАҲО НЕЪМАТ

*Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонини ўқиб...*

ДАВР

Фармон билан танишар эканмиз, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги босқичига дадиллик билан қадам босилаётганига иқрор бўламиз. Албатта, бу бежиз эмас, чунки қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий мезони бўлмиш ер, ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш, бу эса ўз навбатида қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланади.

Президентимиз 1997 йил 25 декабрда бўлиб ўтган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясидаги "Қишлоқ хўжалик тараққиёти тўкин ҳаёт манбаи" номли нутқида аввало, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади – қишлоқда ҳақиқий мулкдорларни, мулк муносабатини тўлиқ ўзгартиришга ҳали эришилмагани, бозор механизми ва омиллари ҳам қишлоқда ўз ривожини тополмаётганини куйиниб айтганди. Орадан шунча муддат ўтса-да ҳали ҳам жойларда бошқарувнинг эски усулларидан тўлиғича воз кечилгани йўқ. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, чорвачиликда наслчилик муаммоларига етарли эътибор берилмаяпти.

Шунингдек, Фармонда мамлакатимизнинг суғориладиган ер майдонлари чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда мулкчиликнинг ижара шаклларини ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш таъкидланган. Демак, республикамизнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фаолият кўрсатиб келаётган икки мингга яқин ширкат хўжаликларини ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқидан узоқ муддатли ижара ҳуқуқига ўтказиш тўғрисида аниқ тадбирлар ишлаб чиқариш ва ҳаётга татбиқ этиш зарур.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ерга эгалик қилиш, ундан самарали фойдаланиш масалалари бўйича қатор қонунлар чиқарилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунларда ер участкаларини ажратиш, ердан фойдаланиш, унинг самарадорлигини ошириш муаммолари ўз ечимини топган бўлса-да, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги босқичида ушбу қонунларда белгиланган эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқлари давр талабига тўлиқ жавоб беролмай қолди. Мана Фармон чиққанига ҳам яқинда икки ой тўлади. Шундай бўлса-да амалдаги, қишлоқ хўжалигига оид бошқа қонунларга бирмунча ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб даражасида эмас. Шу боис қўмитамиз томонидан янги Фармон бўйича қатор ишлар қилиниб, Адлия вазирлигида кўриб чиқиш учун топширилди. Биргина "Ер кодекси"нинг 47-моддасида белгиланишича: "Фойдаланилиши йирик товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини (пахта ва бошоқли дон экинлари етиштиришни) ташкил этиш билан боғлиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар устувор равишда пай усулига асосланган қишлоқ хўжалик кооперативларига (ширкат хўжаликларига) доимий эгалик қилишга берилади", деб кўрсатилган, янги Фармондан келиб чиқиб "доимий эгалик қилишга берилади" жумласини **"узоқ муддатли ижара ҳуқуқи асосида берилади"**, деб ўзгартирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ушбу қонуннинг 49-модда 8-сўз бошисида белгиланган, қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлардан иборат бўлади ҳамда "улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади" жумласини "жамоат эгалигидаги ерлардан" сўзлари ўрнига **"узоқ муддатли ижарага берилган ерлардан"** деб ўзгартирилса Фармонга ҳамоҳанг бўлади.

(Давоми 2-бетда)

# МАВСУМГА ҲОЗИРМИСИЗ?

***Ҳадемай ўлкамизда ғалла ўрим-йиғими бошланади. Бугун деҳқону ижарачилар ва фермерларнинг фикри хаёли шунда.***

Уларнинг дон ҳосилидан умиди катта. Кимдир шартномадан ортиқча дон етиштириб тўй қилмоқчи, яна кимдир машина олмоқчи. Хуллас, ўтган йилги манфаатдорлик бу йил ҳам такрорланадиган. Чунки ҳукуматимизнинг "2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам деҳқону муҳандисларга катта имконият беради.

БУГУННИНГ ГАПИ

-Насиб этса, ҳосил мўл бўлади. Суғориладиган даланинг гектаридан 60, баҳорикор пайкаллардан гектар бошига 13 центнердан дон олишни мўлжаллаяпмиз, - дейди "Ғаллаорол" агрофирмасининг ижарачиси Усмон Қўчқоров. – Ҳукуматимиз қарорини ўқиб чиқдим. Зўр, муаммога ўрин қолмаган. Фақат ғалланинг мумпишиш пайти осмонда ола булут пайдо бўлиб, донни қуритиб қўймаса бас. Эндиги ёмғир ҳам ортиқча, чунки намлик кўпайса, ниҳол ётиб қолади, ҳосилнинг баракаси учади-да.

"Ўзагромашсервис" уюшмасининг масъул ходими Ҳамиджон Тожибоевнинг айтишича, бугунгача республикамиз бўйича 4711 та комбайннинг қарийб 90 фоизи созлаб қўйилди. Бу техниканинг 1628 таси "Кейс" русумли замонавий комбайнлардир. Наманган, Андижон, Фарғона ва Бухоро вилоятларидаги машина-трактор паркларида комбайнлар мавсумга тўлиқ тайёрланди. Бироқ бир хил имконият, етарлича эҳтиёт қисмлар берилганига қарамасдан айрим вилоятларда муаммолар кўп. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд 208 та комбайннинг 125 таси, Жиззах вилоятида 445 та комбайннинг 300 таси ва Қашқадарё вилоятида 1113 та комбайннинг 80 фоизи соз ҳолга келтирилган, холос. Агар ғалла ўрим-йиғимига саноқли кунлар қолаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, табиий савол туғилади: бундай сусткашликдан аввало ким зарар кўради? Ўзимиз эмасми?

-Ҳукумат қарори нафақат раҳбарларга, балки жойлардаги фермерлару муҳандисларга ҳам катта масъулият юклайди, - дейди Х.Тожибоев. – Чунки мавсум кечикиши, доннинг исроф бўлиши ҳаммамизга зарар келтиради-да. Ҳар бир ижарачи, хўжалик етакчиси, фермеру мутахассислар комбайнлардан тортиб, ташувчи техникаларни ҳам яна бир бор кўрикдан ўтказиб олиши лозим. Мавсум маҳали иш қуролининг панд бериши нонни увол қилиш билан баробар. Ўйлайманки, юртимизда бу йил ҳам ғалла ўрими мавсуми тез ва соз ўтади, хирмонлар юксак бўлади.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# АҲИЛ ХАЛҚ АРМИЯСИ ЕНГИЛМАСДИР

***Ўзбекистоннинг ўз танлаган йўли, тараққиёт тамойиллари бор. Бу жабҳалар мамлакатимиз ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланган армияга ҳам тааллуқлидир.***

ЖАРАЁН

Бугунги дунё саҳнасидаги нотинч вазият, шиддатли жараёнлар, айтиш жоизки, глобал ўзгаришлар кўпчиликнинг диққатини тортган. Оловли ва қалтис нуқталарнинг кам эмаслиги, Афғонистон, Яқин Шарқ ва Ироқ воқеалари, дунё жамоатчилиги қатори, ҳарбийларнинг ҳам эътиборида турибди. Ана шундай геосиёсий ўзгаришлар бугунги кунда хушёрликни янада оширишни тақозо этади. Чунки, истиқлолимиз туфайли юзага келган ва давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучларимизнинг Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳбарлигида ҳам қаттиқ интизом, ҳам замонавий тактик жиҳатдан такомиллашиб бораётган миллий армиямиз энг аввало сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, тинчликни сақлаш, XXI аср вабоси – терроризмга қарши кураш байроғи остида жипслашгандир.

Шўролар даврини эсланг, ўша пайтлари Ўзбекистоннинг ўз армияси, ўз қўмондонлари, зобитлари бўлиши тўғрисида ўйлаш, хаёлга келтириш мумкинмиди?

(Давоми 2-бетда)

ИСЛОҲОТ

# «ЎЗБЕК ИПАГИ»: ҚАДИМГИ ДОВРУҒ ТИКЛАНАДИМИ?

***Пиллачилик билан халқимиз жуда қадим замонлардан шуғулланиб келади. Туронзамин бағридан ўтиб, Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлаган қадимги савдо йўлининг Буюк ипак йўли деб аталишида ҳам Ватанимиз ипагининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.***

Ушбу йўлдан юртимизда тайёрланган ипак матолар, хусусан, атлас Ўрта ер денгизига қадар етказилиб, Европа бозорларида сотилган.

Истиқлол йилларида пиллачиликни ривожлантиришга катта эътибор берила бошлади. 1998 йил 30 мартда Президентимизнинг «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва ўша йилнинг 3 апрелида Вазирлар Маҳкамасининг «Республика пиллачилик соҳасини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда)

# МИНИ БАНКИНГ ЁНИНГДА, ФЕРМЕР!

***Кейинги йилларда ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари билан республикамизда иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган кўплаб ширкатлар тугатилиб, уларнинг негизида минглаб фермер хўжаликлари ташкил этилди.***

Уларнинг кўпчилиги дастлабки йиллароноқ ўз иқтисодини тиклаб олмоқда. Чунки, уларга зарур шарт-шароитларларни яратиб бериш бўйича жойларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Сирдарё вилоятида ҳам

ҚАРОР ВА ИЖРО

сўнгги уч йил давомида ҳукуматнинг тегишли қарорлари билан паст рентабелли, истиқболсиз, деб топилган кўплаб ширкат хўжаликлари тугатилди. Меҳнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Шароф Рашидов туманлари деярли тўлалигича фермер хўжаликларига айлантирилди. Ҳозир ушбу туманларда барча ишлар йўлга тушиб бораяпти. Сабаби, фермерлар учун зарур инфратузилма вужудга келтирилиб, уларга хизмат кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. Натижада тадбиркорларда ерга, мулкка бўлган муносабат яхши томонга ўзгариб бормоқда.

(Давоми 3-бетда)

ТАЪЛИМ

# БОҒОЛОНЛИК "ФАРАНГ"ЛАР

***Йўқ. Боғолонда французлар яшамайди. Аммо Урганч шаҳридан 80 чақирим узоқликдаги бу қишлоқда тез-тез французча гаплашаётганларни, шу тилда тадбирлар ўтказилаётганини, Франциядан келган меҳмонларни учратиш мумкин. Хўш, бунга сабаб нима?***

Бундан 9 йил муқаддам Боғолонда 9-сонли вилоят лицей интернати ташкил қилинганди. Ўшанда 100 ўринга мўлжалланган ушбу таълим маскани француз тилини чуқур ўрганишга йўналтирилганди. Вилоятнинг чекка бир қишлоғида француз тилига ихтисослашган лицей-интернат ташкил қилинишига Эркиной Худойберганова, Фарҳод Ҳайитбоев сингари ўқитувчиларнинг ёшларни ана шу тилга қизиқтирганлари сабаб бўлган эди. Негаки, Боғолоннинг ўзидан 50 га яқин француз тили ўқитувчиси етишиб чиққан, улар Янгибозор туманидаги деярли барча мактабларда таълим беришади.

(Давоми 4-бетда)

# ЭЛ РИЗҚИНИ ҚИЙМАЙЛИК

***Дейдиларки, бир куни оғзида бирон тиши йўқ қария билан ўспирин биргаликда овқатланиб ўтиришарди. Шунда бирдан иккови бараварига йиғлаб юборишди.***

-Нега йиғлаяпсан? – деб сўрашди қариядан.

-Оғзимда тишим йўқ, то мен ямлагунча, бу йигитча овқатни паққос тушириб, мен оч қоляпман.

-Сен нега йиғлаяпсан? – деб сўрашди ўспириндан.

ТААССУФ

-Мен овқатни чайнагунимча бу чол чайнамай ютиб, овқатнинг баракасини учиряпти, оч қоладиганга ўхшайман, - деган экан ўспирин.

Не ажабки, орамизда умрининг сўнгги палласида ҳам ёки ўспириндек ҳаёт йўлининг бошидаёқ ҳавойи нафс амрига қулоқ тутиб, очкўзлик билан яшаётганларга бот-бот дуч келамиз. "Думингни ликиллатасан, олға кетасан", фалсафаси қабилида яшайдиган баликдек бу кимсалар орасида қонунни четлаб ўтишга уринадиганлари ҳам йўқ эмас. Пастдарғом туманида яшовчи фуқаро Қаҳрамон Довиров "Рўзибой бобо" фермер хўжалигига тегишли ер майдонидан ўзбошимчалик билан ҳеч кимдан сўрамай ва бу ҳақда ҳеч кимга билдирмай ноқонуний фойдаланиб келаётгани маълум бўлгач, Жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан даставвал маъмурий жавобгарликка тортилди.

(Давоми 2-бетда)

## ҲИКМАТ

*Токи, сенда бордир мардликдан асар,*
*Аҳли аёлингни қилма дарбадар.*
*Мева шохи агар девордан ошса,*
*Йўловчилар албат унга қўл чўзар.*

**Паҳлавон МАҲМУД**

"ҒАЛЛАБАНК" –
ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

## КЕЛГУСИ СОНДА:

"БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИК ҚИЛ"

ЭГАМБЕРДИ КАРВОН

"ФАЛАК АЙВОНИГА ҚЎЙИЛГАН УСТУН"




## ТАРВУЗИ ҚЎЛТИҒИДАН ТУШДИ

***Собиқ Шўро даврида Шомирза деган киши биз билан бирга ишларди. У доим ичиб юрар, уйида ҳам, ишда ҳам аҳвол шу эди.***

Ташкилотга янги раҳбар келди-ю, Шомирзанинг пайтавасига қурт тушди. Ичай деса бошлиқ янги. Кавушини тўғрилаб қўйиши мумкин. Ичмай деса ароқнинг хумори тутади. Аммо ўрганган кўнгил ўртанмай қўймайди-да. Шомирза бир гал ишга кайфи баланд ҳолда келди. Бундан янги бошлиқнинг бехабар қолмаслиги аён эди, албатта.

Уни кабинетига чақиртирди. Шомирза чайқалиб-чайқалиб бошлиқ ҳузурига кирди. "Нега маст ҳолда ишга келдингиз?" деди бошлиқ қовоғини солиб. Унинг гап оҳангидан "Қўлга тушдингми?.." деган мазмун сезилиб турарди.

Аммо Шомирза ўзини йўқотиб қўймади.

-Р...ўзи Раҳимович, - деди у баттар қизариб. – Ахир бугун Леонид Ильич Брежневнинг туғилган кунлари-ку. Шундай кунда у кишининг соғлиғи учун ичмай бўларканми?..

Бошлиқнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Шомирза қурғур нозик жойдан ушлаганди-да.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

## "ЙЎҚОЛГАН" ХОТИН

***Жонқобил фарзандли бўлганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Шу боис туғруқхонага қатнайвериб, анча-мунча харажат қилиб юборди. Дастлаб ҳакимларнинг истаги билан касалхона учун хўжалик моллари келтириб берди. Кейин эса хотини учун йигирма минг сўмга ҳар хил дори-дармон олиб келди.***

Орадан беш кун ўтди. Хотинини уйига олиб кетиш илинжида ҳакимнинг ҳузурига кирди.

-Хотинингизнинг туғруқхонадан чиқишига рухсат йўқ, - деди ҳаким.- Энди аёлингизни реабилитация бўлимига ўтказамиз.

Жонқобил мунғайиб хотинига учрашди.

-Сиз дарс ўтишдан бошқа нарсага ярайсизми? – деди хотини зорланиб. – Фарзанди туғилганига икки-уч кун бўлмасдан врачга беш минг сўм олиб келиб берганлар туғруқхонадан чиқиб кетишяпти. Сиз бўлсангиз...

-Нима қилай? Қарз олиб, дори олиб келдим.

-Нима? Менга ҳеч ким укол қилгани йўқ-ку!

-Кечадан олдинги куни ҳамшира чиқиб айтди: шундай қилмасангиз хотинингиз ўлиб қолади, деди. Мен лаққа ишонибман...

-Туғруқхонада ётганлар айтишяпти, - дейди аёл эрининг чув тушганлигидан афсусланиб, - бу ердаги ҳар бир туққан аёлни эри ўн-ўн беш минг сўмга дори олиб келиб врачларга беришаркан. Улар бу дориларни аптекага топшириб, пулини олишаркан. Бу врачларнинг бизнеси эмиш...

Аёл бир зум ўйланиб қолди-да, эрига юзланди:

-Ҳалиги овқат-повқат солиб келган сумкангизни буёққа беринг!

Орадан ярим соат ўтди. Хотини чақалоқни ҳеч кимга билдирмасдан сумкага солиб эрига берди-да, хўжайинига эргашиб уйига ўзи ҳам жўнаворди.

Орадан уч-тўрт соат ўтгач махсус машинада келган ҳакимлар Жонқобилни сиқувга ола бошлади:

-Хотинингиз боласини олиб шифохонадан қочиб кетибди, дарҳол уни топиб беринг, биз она ва бола соғлиғига масъулмиз.

-Нима дедингиз? - алам билан бақириб юборди Жонқобил, - хотинимни сизларга топширганман. У уйига келгани йўқ, дарҳол уни топиб беринглар, бўлмаса...

Жонқобилнинг важоҳатидан қўрқиб кетган ҳакимлар машинага ўтириб жуфтакни ростлаб қолишди.

**Жовли ХУШБОҚ**

## ЧУМЧУҚ БИЛАН ОЛИШУВ

***Қадрдон ва ҳазилкаш дўстларимнинг бириникига йўл олдик. Суҳбат ҳазил-мутойибаларга бой бўлди. Бир маҳал очиқ деразадан ташқарига қарасам, лентасимон қирқилган турли рангдаги сунъий матоҳлар илинган экан.***

Сабабини суриштирдим. Дўстим дардини ёра қолди: "Узумларни чумчуқлардан асраш қийин кечяпти. Беор қушларни чўчитиш учун қилмаган амалимиз, ишлатмаган ҳийламиз қолмади. Шиша парчаларини, оҳанграбо тасмаларини, плёнка лenталарини илаяпмиз. Икки-уч кун ҳадиксираб чуғурлашади-ю, сўнгра яна бемалол ишкомга қўниб олиб базму жамшид қуришади, занғарлар. Шақилдоқни-ку писанд ҳам қилмайди..."

Шўхлигим тутди. "Маслаҳат" берган бўлдим: "Э-э, бир оғиз сўрамайсизми. Чумчуқ деганининг корини қилганман. Ҳар йили лат емаган, олтиндай шингилларни йиғиштириб олиб, қиш бўйи узумхўрлик қиламиз-а!"

Дўстим умид билан менга анграйиб қаради.

-Хотинимнинг суратини ксеро нусхада кўпайтириб, ишкомларнинг ҳар-ҳар жойига илиб қўяман, - дедим жиддий оҳангда. – Чумчуқ-ку чумчуқ, ҳатто гов арилар ҳам қорасини кўрсатмай кетди.

Шу маҳал қўшни хонадан қаҳ-қаҳа овози эшитилди. Бу хотинларимизнинг кулгулари эди.

**Ўктам ҚУРБОНОВ**

## ПАРИШОНХОТИРЛИК ФОЙДАСИ

***Ойлик чипта яхши нарса-да! Янги ой бошланмасидан, кўзни чирт юмиб, сотиб олсангиз, то ойнинг охиригача истаган транспорт воситасига "гапингиз ўтаверади". Айниқса, талабалар учун ҳузури жон.***

Бир сафар ойлик чиптани қайсидир оғайнимга "прокат"га бериб тургандим. Белгиланган муддатда қайтариб бермади. Қаергадир зарур иш билан боришим керак эди. Начора, уч-тўрт танга чиқим бўладиган бўлди.

Одатда автобус ёки трамвайда кондукторни кўрган заҳоти "проезной"ни шундоқ кўрсатиб, яна чўнтакка солиб қўйишга ўрганиб қолганман. Камдан-кам ҳолларда пул тўлашга тўғри келиб қолади.

Автобусда манзилга яқинлашишим билан битта юзталикни қисимлаб, эшик томон юрдим... Тушишим билан автобус ҳам қўзғалди. Бир пайт қарасам, пул ҳалиям қўлимда. Ҳалиги "юзталик"ни ҳам ойлик чипта гумон қилиб, шунчаки кўрсатибман-у, тушиб кетаверибман.

Ҳойнаҳой, кондуктор акамиз ҳам хаёлпарастликда биздан қолишмас экан-да, дедим ичимда.

**Рустам БЕК**

# АҲИЛ ХАЛҚ АРМИЯСИ ЕНГИЛМАСДИР

(Боши 1-бетда)

Булар халқимизнинг асрий орзулари эди, холос. Бугун эса мамлакатимиз Қуролли Кучлари йилдан-йилга тобланиб боряпти, ўзбек генераллари, катта зобитлари етишиб чиқаётгани ҳар биримизга ғурур бахш этади.

Бизнинг олдимизда ҳарбий хизматни интеллектуаллаштиришдек муҳим вазифа турибди. Чунки бизнинг аскарларимиз робот эмас, уларнинг ҳар бири нима учун хизмат қилаётганини англаб етиши, ҳақиқий ватанпарвар бўлиши зарур.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, мамлакатимизда ҳар жиҳатдан қудратли бўлган янги миллий армияни шакллантириш борасида ҳарбий ислоҳотлар бошланган эди. Ўтган давр мобайнида Қуролли Кучларни модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юргизиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ва бошқа қуролли кучлар тизилмаларининг вазифа ҳамда функциялари кўриб чиқилди, қўшинлар бошқарувининг принципиал янги тизими жорий этилди. Қуйи жанговар бўлинмаларда ҳарбий хизматчиларнинг малакасини ошириш бўйича замонавий ўқитиш шаклларига асосланган кичик командирлар – сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолияти ташкил этилди. Шунингдек, қўшинларда террорчи гуруҳларга қарши жанг олиб боришнинг янги тактик усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Сўнгги йилларда биз бошдан кечирган синовлар, Ўзбекистон сарҳадларини ҳимоя қилишда жонини фидо қилган жасур аскарлар ва зобитлар хотираси бизни хушёрликни оширишга, ўз уйимизни ўзимиз асрашга даъват этади.

Ўзбекистон армияси 1994 йилдан буён НАТОнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастурида иштирок этиб келмоқда. Ўзбек аскарлари, зобит ва ҳарбий мутахассисларининг маҳорати, билим доираси юқори эканлиги хорижлик ҳарбий экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. Бу сингари тадбирларда қатнашиш ҳарбий хизматчиларимизнинг профессионал билими, тактик маҳоратини янада оширмоқда. Америка Қўшма Штатлари, Россия Федерацияси ва бошқа илғор давлатлар билан ҳарбий, ҳарбий-техникавий ва ҳарбий-таълим соҳаларидаги ҳамкорлик фаол ривожланиб бормоқда.

Тарихга назар солсак, соҳибқирон Амир Темур лашкарлари ҳарб жиҳатидан ниҳоятда тезкор, ҳозирги атама билан айтганда профессионал даражада бўлишгани сир эмас. Соҳибқирон лашкарлари жанг қилишнинг янги самарали усулларини ўзлаштирган, жисмонан бақувват ва жуда чаққон бўлишган, кураш, қиличбозлик, от устида турли мураккаб машқлар билан мунтазам шуғулланишган. Соҳибқирон бобомизнинг ҳарб санъати айни пайтда ҳам ривожланган мамлакатлар ҳарбий академияларида ўқитилиб, ўта тезкор армияларни шакллантиришаётган экан, жаҳонни ларзага солган Амир Темур юртида бугун ҳам худди шундай армия бўлиши керак. Негаки, ўзбек ўғлонларининг, ўзбек ҳарбийларининг қонида бор нарса бу. Ҳозирги вақтда эса профессионал армияни юзага келтирмоқ учун пойдевор қўйилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ҳарбий ислоҳотлар борасида билдирган кўрсатмаларига биноан ҳарбий хизматни ўташ борасида бир қанча ташкилий, ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилди. Бу масалалар Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ Х сессиясида муҳокама этилиб, янги таҳрирдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Бу қонун ёшлар, умуман, фуқаролар учун улкан имкониятлар беради. Мазкур ҳужжатда муддатли ҳарбий хизматни ўташга лаёқатли ва хизматни кечиктириш ҳамда ундан озод қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, аммо Қуролли кучларга навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбар чақириқ резервига қўшилиши белгиланган. Сафарбар чақириқ резервида (СЧР) хизмат ҳудудий тамойил асосида бир ойлик йиғинлар шаклида ташкил этилади ва Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига пул бадаллари тўлашни назарда тутади.

Очиғини айтиш керакки, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун қабул қилингунга қадар ёшларнинг армия сафига кетишлари ҳам, қолишлари ҳам салмоқлигина ҳуфёна маблағга бориб тақаладиган бўлиб қолганди. Жойлардаги мудофаа ишлари бўлимларида таниш-билишчилик, расмиятчилик авж олганди. Сафарбар чақирув резервида хизматнинг ташкил этилиши ана шундай нохуш кўринишларга шаксиз барҳам беради.

Сафарбар чақирув резервига чақирилганлар бир ой давомида ҳарбий хизматни ўтайдилар, қолган 11 ой мобайнида ўзларининг мустақил ўқиш, ишлари билан банд бўладилар. Фақат СЧРда хизматни ўташнинг энг муҳим шартини бажаришга тўғри келади, яъни бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 25 бароbаридаги маблағни Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига тўлаш ёхуд кафилликка олган ҳомийлар, юридик шахслар томонидан ўтказилиши лозим.

СЧРда хизматга юбориладиган чақирилувчи талаб этилган барча суммани мудофаа ишлари бўлими билан ўзаро шартномани тузгач (чақирилувчининг молиявий лаёқатини кафолатлайдиган кафил бўлиши шарт) бирданига ҳаммасини, имкони бўлмаса – биринчи олти ойликда ярмини, иккинчи олти ойликда эса қолган қисмини тўлаши мумкин. Мабодо, чақирилувчи белгиланган маблағни белгиланган муддатда тўламаса, шартномавий низо тегишли тартибда суд орқали ҳал этилади. Энг муҳим жиҳати шундаки, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганга ҳам, СЧРдаги хизматни тугатганга ҳам бир хил ҳарбий гувоҳнома, бир хил имтиёзлар берилади.

Бу маблағлар қай мақсадларга йўналтирилади, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Тўпланган маблағ СЧРга чақирилганларнинг бир ойлик йиғини давомида зарур бўлган кийим-бош, овқатланиш, ўқ-дорилардан фойдаланиш, транспорт харажатларини қоплашга сарфланади. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлганларга заҳирага юбориш чоғида салмоқлигина миқдорда пул берилади. Шубҳа йўққи, бу тамойил йигитларнинг ҳарбий хизматга қизиқишини янада оширади.

Баҳорги чақирув давом этаётган ҳозирги паллада жойлардаги барча мудофаа ишлар бўлимларида сафарбар чақирув резервига оид ишлар амалга оширилмоқда.

Энди муддатли ҳарбий хизматга кимлар олиниши хусусида тўхталсак. Илгарилари бўй-басти, жисмонан, маънавий жиҳатдан етук-етукмаслигига қарамай барча ўсмирлар армия сафига чақириларди. Ҳозирда мунтазам профессионал армияга хоҳиш-истаги баланд, жисмонан бақувват, соғлом, руҳан тетик ёшлар қабул қилинади. Муддатли ҳарбий хизматга олинадиган чақирилувчининг жисмоний тайёргарлиги даражаси "Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида жисмоний тайёргарлик бўйича йўриқномалар" меъёрлари талабларига асосан аниқланади. 1 километрга, 100 метрга югуриш, турникда кўп тортилиш бўйича танловда ғолиб чиққанларгина муддатли ҳарбий хизматга юборилади. Бу шунингдек, ўз навбатида то хизмат ёшига киргунга қадар ўсмирларга спорт билан доимий шуғулланиш, ўз устида кўпроқ ишлаш масъулиятини юклайди. Ўрта умумтаълим мактаблари ва коллежларда бошланғич ҳарбий таълим дарслари савиясини кўтаришни тақозо этади.

Очиғини айтганда,қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонунлар ҳарбий ислоҳотларни янги босқичга кўтариш билан олдинги қонун ҳужжатларидан тубдан фарқ қилади. Бу қонунлар асосида ишлаш Қуролли Кучларни дунёдаги бирорта мамлакат армиясидан қолишмайдиган даражада юқори савияга кўтариш, такомиллаштириш имконини беради. Эндиликда ҳарбийлар нимага, кимга ва қай мақсадда хизмат қилажагини теран англаган ҳолда ишлайди. Уларда ватанпарварлик туйғуси юксак бўлади. Шунинг учун ҳам бу тарихий ҳужжатларнинг маъно-моҳиятини халқимиз онгига тезроқ сингдириш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Мақсуд АКРАМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЭЛ РИЗҚИНИ ҚИЙМАЙЛИК

(Боши 1-бетда)

Жарима тўлаш билан жазодан халос бўлди. Бироқ у "Арзимаган жарима билан қутулса бўларкан-ку", дея яна ноқонуний хатти-ҳаракатларини давом эттирди. Қ.Довировнинг ҳамон ердан ўзбошимчалик билан фойдаланаётгани маълум бўлгач, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Туманда Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги қонуни ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда "Темирхўжа" қишлоғида яшовчи фуқаро Абдуғани Мардиев ҳам "Бобур" ширкат хўжалиги ерига ҳеч бир ҳужжатларсиз буғдой экиб келаётгани аниқлангач, жавобгарликка тортилди.

Азбаройи заминга меҳр қўйиб, ундан ризқ ундиришни ният қилган ҳар бир фуқаро ерга эгаликни қонунан расмийлаштириш мумкин бўлган ва бунга кенг имкониятлар, зарур шарт-шароитлар яратилган бир пайтда Қ.Довиров ҳамда А.Мардиев сингари кимсаларнинг ўзбошимчалигидан таажжубга тушади, киши.

Шуни таъкидлаш жоизки, Пастдарғом туман прокуратураси томонидан "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонуннинг ижроси ҳам назорат тартибида текширилганда, кўплаб фермер хўжаликларининг қўшимча ер майдонларига экин экиб, ноқонуний иш тутаётганликларига дуч келинди. Яъни тумандаги "Расул", "Саттор бобо", "Уфқ", "Барака", "Сайрам", "Юсуф бобо", "Сардор", "Темурбек" сингари ўнлаб фермер хўжаликлари жами 13,39 га ер майдонини туман ҳокими тасдиғидан ўтказмаганлар ва ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлиб юраверганлар.

Бундай ўзбошимчалик сабаблари ё ҳуқуқий маданиятсизлик, ё қонунни била туриб, уни менсимаслик иллатларига бориб тақалиши турган гап. Аммо тумандаги текшириш жараёнида бунинг акси ўлароқ бўлган юз берган ҳолатларга ҳам дуч келдик.

Тумандаги "Хончарбоғ" ширкат хўжалиги аъзоларининг 2001 йил 17 февралдаги умумий йиғилиши қарори билан пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган "Давронжон" фермер хўжалиги ташкил қилингани, унга 14 гектар суғориладиган ер майдони 10 йил муддатга ижарага ажратилгани кўрсатилган. Шу асосда туман ҳокимлиги ҳайъатининг ер танлаш ва ажратиш тўғрисидаги (2001 йил июнь) тасдиқланган далолатномаси, қолаверса туман ҳокимининг қарори ҳам бор, бироқ шу пайтгача бу қарор давлат рўйхатига киритилмаганлиги туфайли "Давронжон" фермер хўжалиги ҳуқуқий шахс мақомини ололмасдан, сарсон бўлиб юрибди. Айни пайтда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда.

**Фахриддин ЖУМАЕВ,**
**Пастдарғом тумани прокурори,**
**1-даражали юрист.**

# ЕР – БЕБАҲО НЕЪМАТ

(Боши 1-бетда)

Мазкур модданинг 9-сўз бошида эса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига доимий эгалик қилишга туман ёки вилоят ҳокимининг қарорига биноан, Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати топширган ҳолда бериладиди жумласидаги "доимий эгалик қилишга" сўзи ўрнига **"узоқ муддатли ижарага"** сўзини қўшиш ҳамда "Ер участкасига доимий эгалик қилиш" сўзи ўрнига **"ер участкаси ижараси"** деб ўзгартирилиши лозим.

Бундан ташқари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг, фермер хўжалигини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги 6-моддасининг 1,2-сўз боши, фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги 7-моддасининг 2-сўз бошини тўлиқ олиб ташлаш керак. Фермер хўжаликларига бериладиган ерлар тўғрисидаги 9-модданинг 1,2-сўз бошида, Фермер хўжаликларига ер бериш тартиби тўғрисидаги 10-модданинг 1, 2, 3, 5-сўз бошларига, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг фермер хўжалигини ташкил этиш хусусиятлари тўғрисидаги моддани олиб ташлаш, фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисидаги 29-модданинг охирги сўз бошига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони қишлоқ хўжалигида ҳозиргача олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга якун ясаш билан бирга, аграр соҳанинг ривожланиши учун аниқ йўналишларни белгилаб берди. Шу боис, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ер ҳисобланар экан, Ер ресурслари Давлат қўмитаси мазкур Фармондан келиб чиқиб қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Қўмитамиз ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ердан самарали ва оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигида мулкдорлар синфини шакллантиришга имкон яратмоқда. Ер, айниқса, унинг устки унумдор қатлами бўлган тупроқ республиканинг базали ресурси сифатида, шу бугун ва яқин келажакда ҳам зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш манбаи бўлиб қолишини унутмаслигимиз зарур.

Шунинг учун Ер ресурслари Давлат қўмитаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг устувор йўналишларидан бири қилиб, 1999 йилдан шу бугунги кунга қадар республикамизда паст рентабелли зарар кўриб ишлаётган 346 та ширкат хўжаликлари ер фондларини фермер хўжаликларига қайта тақсимлаш лойиҳаларини ишлаб чиқди. Бу лойиҳаларни маҳаллий ҳокимият органларига тақдим этди. Ушбу лойиҳалар асосида 20 мингга яқин фермер хўжаликлари тендер орқали ташкил этилиб, фаолият юритиб келмоқда.

Шунингдек, қўмитамиз томонидан 26 та қонун ва қонун ости меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Давлат геология қўмитаси билан келишилган ҳолда ер ости чучук сув ҳавзалари чегарасини аниқлаш ва уларга алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудуд мақомини бериш бўйича Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Чирчиқ, Фарғона вилоятида "Сўх", "Чимён – Аввал", Андижон вилоятида "Ош – Аравон", Қашқадарё вилоятида "Китоб – Шаҳрисабз", Наманган вилоятида "Норин", Самарқанд вилоятида "Зарафшон", Сурхондарё вилоятида "Шимолий Сурхондарё", Жиззах вилоятида "Тоғолди" ва "Санзар" ҳудудлари бўйича ишлар якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабр, 2002 йил 5 январдаги 8-сонли ҳамда 2003 йил 22 январ сонли қарорларига асосан 346 та қишлоқ хўжалик корхоналари ер фондлари фермер хўжаликларига қайта тақсимлаш лойиҳалари, ерларни қийматини баҳолаш ва йўқламадан ўтказиш ишлари юзасидан смета ҳужжатлари тайёрланди ва лойиҳа ишларининг сифатли бажарилиши назорати олиб борилди.

Шунингдек, фаолият кўрсатиб турган кооператив (ширкат хўжаликлари)ни 2004 йил 1 январидан бошлаб ер участкасидан узоқ муддатли ижара сифатида фойдаланишга ўтказиш тўғрисидаги, кооператив (ширкат хўжаликлари) ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги намунавий шартнома, фермер хўжаликларини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги тартиблар ишлаб чиқилиб, қишлоқ ва сув хўжалиги ва адлия вазирлигига тақдим этилди.

Хулоса қилиб айтганда, қўмитамиз ходимлари вазифаси Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони асосида ишларни тўғри ташкил этиб, қишлоқда чин маънода мулкдорлар синфининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб,бебаҳо неъматерни асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказишдан иборат.

**Баҳром ТОЖИБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи.**



**Яқинда Олот туманида "Олоттекс" фаолиятини бошлади. Айни кунларда қўшма корхона ўзининг илк маҳсулотларидан калава ип ва хом сурп ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Келгусида корхона тўла қувват билан ишга тушгач, бу ерда йилига 2958 тонна калава ип, 6 миллион погонометр хом сурп ишлаб чиқарилади.**
**СУРАТДА: ип йигирувчи Умрия Вафоева.**

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

**«ЎЗБЕК ИПАГИ»:**

# ҚАДИМГИ ДОВРУҒ ТИКЛАНАДИМИ?

(Боши 1-бетда)

Ушбу ҳужжатларда пиллачиликда вужудга келган мавжуд камчиликларни бартараф этиш, соҳани жаҳон талаблари асосида ривожлантириш, бошқаришдаги сансалорликларни тугатиш, барча ишларни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий негизлари белгилаб берилди.

Шундан бери орадан беш йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу давр мобайнида тизим корхоналари зиммасига юклатилган вазифалар қай даражада уддаланди? Умуман, соҳада ислоҳотлар қандай кечмоқда? ЎзА мухбирининг бу саволларига «Ўзбек ипаги» уюшмаси бошқаруви раиси Абдуманноп АҲМАДАЛИЕВ шундай жавоб беради:

- Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган мазкур ҳужжатларга мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси таркибида бўлган пилла тайёрловчи ва уни дастлабки қайта ишловчи, ипак қурти уруғчилиги, пиллакашлик ва шойи тўқиш корхоналари, Ўзбекистон пиллачилик ва шойи тўқиш илмий-тадқиқот муассасалари ягона бошқарув тизимига - «Ўзбек ипаги» уюшмаси деб ном олган янги ташкилот тизимига бирлаштирилди. Уюшма зиммасига эса сифатли қуруқ пилла, пилла хомашёси ва ипак калава, жаҳон бозорида рақобатбардош табиий ва аралаш шойи газлама ишлаб чиқаришни таъминлаш, ишлаб чиқаришга илғор техника-технологияни жорий қилиш, соҳага хорижий сармоя жалб этиш ҳамда маҳсулот экспорти ҳажмини кўпайтириш билан боғлиқ долзарб вазифалар юкланди.

Кейинги йилларда пиллачилик маҳсулотларини экспорт қилишни тартибга солиш, ундан фойдаланиш механизмини кучайтириш, тутзорларни кенгайтириш борасида ҳукуматимизнинг яна бир неча муҳим қарорлари қабул қилинди. Бу юртимизда етиштирилаётган пилладан оқилона фойдаланиш, корхоналарни хомашё билан тўлароқ таъминлаш, қайта ишлаш жараёнини мукаммаллаштириш ва шу йўл билан сифатли, рақобатбардош, экспортбоп ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун янада кенг имконият яратди.

Уюшмамиз тизимидаги бирлашмалар, корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятини номлари зикр этилган муҳим ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар асосида ташкил этиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кўпайтиришда катта ўзгаришларга эришмоқда.

Айни пайтда тутзорларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берила бошлади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги пилла етиштирувчи хўжаликларда 2000 йилдан буён умумий майдони икки минг гектардан кўпроқ янги тутзор ташкил этилди.

Таъкидламоқ керакки, 2001 йил мавсумидан бошлаб уруғчилик корхоналарида ипак қуртининг саноатбоп зот ва дурагайлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бошланди. Келгуси йилдан бошлаб пилла етиштирувчи хўжаликлар ўзимизнинг сифатли ипак қурти уруғи билан тўлиқ таъминланади. Шунда каттагина валютани тежаш имкониятига эга бўламиз. Ҳозирча уруғнинг бир қисми хориждан келтирилмоқда.

**- Хорижга фақат хомашё эмас, балки ярим тайёр ва тайёр маҳсулот сотиш, шу билан бирга, соҳага хориж инвестициясини жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

- Пиллачилигимиз ривожлангани сайин чет эл сармоядорларининг қизиқиши тобора ортиб боряпти. Айни пайтда «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибида хорижий инвестициялар иштирокидаги 6 қўшма корхона самарали фаолият кўрсатмоқда. «Силк-Роад» Ўзбекистон-Япония, «Тонмен» Ўзбекистон-Корея ҳамда «Бухоро-Хвашен», «Хадан» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси шулар жумласидандир. Мазкур корхоналарда, асосан, экспортбоп табиий хом ипак ва ипак калаваси ишлаб чиқарилмоқда. 2002 йилда уюшмамиз бўйича экспорт қилинган маҳсулот ҳажмининг 29 фоизи шулар улушига тўғри келди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 апрелдаги тегишли қарорига мувофиқ уюшмамизнинг пиллакашлик корхоналари Корея Республикасининг «Эксимбанк»и кредитлари эвазига замонавий ускуна ва дастгоҳлар билан қайта жиҳозланмоқда. Хусусан, куни кеча Намангандаги «Атлас» акциядорлик жамияти корхонасида қайта жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди ва ишга туширилди. Лойиҳа доирасида яна ўнлаб корхоналаримиз замонавийлаштирилади.

Шу тариқа корхоналаримиз қайта жиҳозлангандан кейин уларда жаҳон андозаларига мос экспортбоп табиий хом ипак ишлаб чиқариш ҳажми йилига 30 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Бу имкониятларимизни янада ошириш мақсадида ипакчилик ривожланган ўнлаб давлатлар билан бир қанча лойиҳалар борасида келишувлар олиб борилмоқда.

Хориж давлатлар билан ҳамкорлик имкониятларимизни янада оширишга хизмат қилади, албатта. Айни пайтда хорижга экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини табиий хом ипак ва ипак калава ташкил этаётган бўлса, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш орқали яқин келажакда тайёр маҳсулот сотишни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

**- Шу кунларда жорий йил ҳосили учун пилла қурти боқиш мавсуми бошланди. Пиллачиларнинг моддий манфаатдорлигини янада ошириш, уларга ўз вақтида ҳақ тўлаш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?**

- Бу йил «кумуш тола» етиштирувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, пиллакорларимизни 50 фоиз аванс маблағлари билан олдиндан таъминлаш, пилла нархининг қолган қисмини у қайта ишланиб, савдога чиқарилган кундан бошлаб ҳисоб-китоб қилиш тадбирларига жиддий аҳамият қаратмоқдамиз. Республикамиз бўйича 500 минг қути ипак қурти боқиш борасида пиллакорлар билан шартнома тузиш қизғин давом этмоқда. Эндиликда маҳсулот етиштиришда унинг салмоғига эмас, балки сифатига алоҳида эътибор берилади.

Табиий хом ипакни товар-хомашё биржалари орқали фьючерс шартномаси асосида сотишдан тушадиган маблағ хўжаликлар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бир қаторда пилла етшитирувчиларга аванс бериш учун банкларнинг мақсадли кредитларидан ҳам фойдаланилмоқда. Пилла етиштиришни рағбатлантириш ва ҳисоб-китобларни такомиллаштириш мақсадида ҳукумат комиссияси қарорига мувофиқ ҳар йили пилла етиштирувчи хўжаликлар, «Ўзбек ипаги» уюшмасининг пилла тайёрлаш, ипак қурти уруғчилиги, пиллакашлик ва шойи тўқиш корхоналарида махсус ҳисоб рақамлари очилиб, маблағ бевосита пилла етиштирувчиларга етказиб берилмоқда.

Марказий банк ва тижорат банклари зиммасига пиллакорларнинг меҳнат ҳақи учун нақд пул ажратилишини таъминлаш юклатилган.

Пировардида шуни айтиш керакки, мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда пиллачиликни ривожлантиришга доир қабул қилинган ҳужжатлар соҳадаги улкан ўзгаришларнинг асосий омили бўлмоқда.

**ЎзА мухбири Олим НОРБЕКОВ суҳбатлашди.**

# КОМИССАРНИНГ ҚИСМАТИ

(Боши ўтган сонда)

Жиноят ишининг 170-саҳифасида Олий Суд Ҳарбий Коллегияси мажлисининг 1938 йилнинг 3 октябридаги қарори билан танишамиз.

Бу ҳужжатдан маълум бўлишича, Муҳитдин Турсунхўжаев суди юқорида санаб ўтилган моддалар асосида ёпиқ мажлисда, айбловчи ва ҳимоячиларсиз, ҳеч қандай гувоҳлар чақирилмасдан ўтказилган.

Олий Суд даргоҳида айтилган сўз – отилган ўқ бўлади ва 1938 йил 4 октябрда бўлиб ўтган Олий Суд Ҳарбий Коллегияси соат ўн бешу ўн беш дақиқада очилиб, соат ўн бешу ўттиз дақиқада маслаҳат хонасига чиқишади.

Шу жиноят ишининг 173 - саҳифасига Олий Суд Ҳарбий Коллегиясининг сайёр сессияси ҳукми тиркалган. Унда қуйидагича сатрлар битилган:

**"Турсунхўжаев ЎзССР Жиноят мажмуасининг 57-1, 58, 63, 64 ва 67-моддалари билан айбдор деб топилиб, Олий Суд Ҳарбий Коллегияси ЎзССР ЖПКнинг 128 ва 131-моддалари қўлланилган ҳолда**

**ҳукм қилади:**

**Муҳитдин Турсунхўжаев олий жазо – отувга ҳукм қилинсин ҳамда унга тегишли бўлган мол-мулк мусодара этилсин. Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 1 декабр қарорига биноан зудлик билан ҳукм ижроси таъминлансин.**

**Раис Алексеев**

**Аъзолар: Зайцев, Болдирев."**

Жиноий ишнинг 174-саҳифасига яна бир маълумот тиркалган. Унда ёзилишича, Муҳитдин Турсунхўжаевга доир ҳукм 1938 йилнинг 4 октябрида – яъни айнан суд ҳукм чиқарган куниёқ ижро этилган.

Афсус... Минг афсус... Ўзбекнинг яна бир ўғлони айни баркамол ёшида қатл этилди, фарзандларининг кулгусига тўймай, қиз узатиб, куёв кўрмай, ўғил уйлантириб, келин қўлидан бир пиёла чой ичмай ёруғ дунёдан кўзи очиқ кетди...

Бироқ Муҳитдиннинг отувга ҳукм қилинганидан ҳам, ҳукм ижро этилганидан ҳам унинг оиласи, фарзандлари хабар топмаган эдилар. Зеро, Муҳитдин Турсунхўжаевнинг рафиқаси Зуҳра Турсунхўжаева 1937 йилнинг иккинчи октябрида ҳибсга олинганича 1939 йилнинг 25 январига қадар Тошкент турмасида жазо муддатини ўтаётганди.

Кейинроқ жиноий ишнинг иккинчи жилдини ўрганаётиб, 144-саҳифада Зуҳра Турсунхўжаеванинг Муҳитдин Турсунхўжаев тақдирини билиш учун Туркистон Ҳарбий Округи Штабига - ҳарбий прокурорга йўллаган аризасини топиб олдим.

Шўрлик аёл! Эри туфайли қамалиб, бир ярим йил мобайнида Тошкент турмасида азоб чеккан, озод этилганидан кейин эса турмадагидан ҳам баттар аҳволга тушган – тараф-тараф қилиб, Қозоғистон ва Туркистондаги етимхоналарга тарқатиб юборилган фарзандларини топиб, бағрига олиш бахтига муяссар бўлгач ҳам ором нималигини билмаган – мол-мулк, уй-жойи мусодара этилгани туфайли бошпанасиз қолган... Яхшиямки, ўзбекда қавм-қариндош деган мадад бор. Опаси Хайри Ҳасанова қизи Ҳурриятни не-не қийинчиликлар билан бағрига олган экан. Бундан унинг оғири ҳийла енгиллашиб, эрининг тақдирини билишга ҳаракат қила бошлади. Аммо унинг бу саъй-ҳаракатлари зое кетарди. Шўрлик аёл бу ёруғ оламда мавҳумликдек қаттиқ азоб бўлмаслигини англади. "Чиқмаган жондан умид" дея эри қамалганидан кейин орадан 19 йил ўтгач – 1956 йилнинг 23 майида унинг қисмати ҳақида бирор хабар топиш илинжида тегишли идорага ариза йўллади.

**"Туркистон ҳарбий округи штаби - ҳарбий прокурорига**

**АРИЗА**

**Зуҳра Турсунхўжаевадан**

**Менинг умр йўлдошим 1900 йилда таваллуд топган Муҳитдин Турсунхўжаев 1937 йилнинг 14 август куни Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги тарафидан ҳибсга олинган. Ўша чоғларда у Ўзбекистон ССР Ички Савдо Халқ Комиссари вазифасини адо этарди. Бунгача у 1929 йилдан то 1935 йилга қадар Ўзбекистон ССРнинг доимий вакили сифатида Москвада хизмат қилган.**

**Қамоққа олинганидан бери то шу кунгача у тўғрида ҳеч қандай маълумот ололмадик. Уч фарзандим бор. Қийналиб кетганлигимдан ишга кирдим. "Шарқ гули" артелида тикувчи бўлиб ишлаяпман.**

**Бу воқеаларнинг бўлиб ўтганига 18 йил бўлди. Болаларим ўсиб вояга етишди. Ўғилларим ватан олдидаги бурчларини ўтаб қайтишди. Ҳозир уларнинг бири ишлайди, иккинчиси ўқияпти. Қизим ҳам ишлайди.**

**Эндиликда мен уй-рўзғор ишлари билан машғул аёлман – қизим билан яшайман, унинг фарзандларини тарбиялаяпман.**

**Ҳали-ҳануз эримнинг тақдиридан бехабарман. У ҳаётми, қаерда - ҳеч нима билмаймиз. Фарзандларимиз вояга етишган. Ва улар оталари ҳақидаги бутун ҳақиқатни билишни исташади. Зеро, отасининг ҳибсга олиниши барчамизнинг ҳаётимизни заҳарлади – издан чиқарди ва ҳали-ҳанузгача у кун қисматимизда қора доғ бўлиб қолган.**

**Сиздан бу масалага ойдинлик киритишда ёрдам кўрсатишингизни сўрайман... Имкони бўлса эрим тақдиридан мени хабардор қилсангиз, деб**

**Зуҳра Турсунхўжаева,**

**23 май 1956 йил".**

У аризасига жавоб олдими-йўқми менга қоронғу. Аммо замона зайлида ҳам гап кўп экан. Орадан бир йил вақт ўтиб, собиқ иттифоқ Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг адлия полковниги Борисоглебский раислигида ўтган суд мажлисида Муҳитдин Турсунхўжаев иши қайта кўрилиб, Олий Суднинг 1938 йил 4 октябридаги Муҳитдин Турсунхўжаевга доир ҳукмини янги пайдо бўлган ҳолатларга кўра **"жиноят состави бўлмаганлиги учун бекор қилиш ва унга доир ишни тўхтатиш"** тўғрисида ажрим қарори чиқарилди.

Элимизда "Ҳақиқат қирқ йилда бўлса ҳам қарор топади", деган нақл бор. Шум воқеалар содир бўлганидан кейин йигирма йилга яқин вақт ўтиб, ҳақ жойида қарор топди. Муҳитдин Турсунхўжаев шаънига тақалган айбларнинг таги пучлиги аён бўлди. Ватандошимиз ўлимидан сўнг оқланди.

Мен юқорида қатағон қурбонига айланган биргина юртдошимиз, унинг азоб-уқубатларга дучор бўлган оиласи ҳақида ҳикоя қилдим. Улар озмунча эдими? Истиқлолдан сўнг шахсан Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ана шундай ота-боболаримиз шарафига "Шаҳидлар хотираси" мажмуи барпо этилди. Собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб бизнинг республикамизда қатағон қурбонлари хотира мажмуи ва музейи қурилди. Бу эса истиқлол берган минглаб эзгуликларнинг бири сифатида қалбларимизни чароғонликка чулғайди.

**Холида АҲРОРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# УНУТИЛГАН НАҚШЛАР УЙҒОНДИ

***Бежирим сумкача, кўзойнак ғилофи, елпиғич, чойнакпўш ва бошқа бир қанча зардўзлик буюмларини кўрганда ҳайратланишингиз табиий.***

–Буни чим-чим чоки, дейишади, - изоҳ беради Хонзода Негматова. – Бухорода XVII асрда бу чокдан турли рўзғор буюмлари тикканда кўп фойдаланишган. Унутилган шу усулни қайта тикладик. Бунда тарихий манбаларга таяндик. Кўриб турганингиздек, қизларимиз бу усулни ўзлаштириб олдилар. Улар ҳозир хорижлик мижозлар дидига мос буюмлар тикишмоқда.

Хонзода опадан бу елпиғичу чойнакпўшлар нега айнан бўздан тайёрлангани сабабини сўраймиз. Бунинг боиси хорижлик мижозлар айнан атлас, бўз каби қадимий матолардан тайёрланган буюмларни кўпроқ харид қилишар экан.

Биз ҳикоя қилаётган маскан бирор цех ёки хусусий корхона эмас. Гап Бухоро шаҳридаги 23-мактабнинг миллий ҳунармандчилик ва нафис санъат тўгараги ҳақида бораяпти. Бу ерда ҳозир айнан шу йўналишда бешта синф ташкил этилган. Ўқувчилар бу даргоҳда зардўзлик, каштачилик, наққошлик, ганчкорлик сирларини ўрганишяпти. Шу мақсадда махсус дастур ҳам тузилган. Асосий мақсад қишлоқ ёшларини касбга йўналтиришдан иборат.

**ҲУНАРМАНДЧИЛИК**

-Бу ишга 1994 йилда киришган эдик, - дея эслайди ёшлар мураббийси Х.Негматова. - Ўшанда шу соҳаларга қизиқиши бўлган ўғил-қизларни саралаб олдик. Ишни йўлга қўйиш учун ота-оналар кўмагига ҳам таяндик, албатта. Тайёрланган маҳсулотларимизни сотиб ундан тушган даромад эвазига хомашё харид қилаяпмиз. Бу орада "Тадбиркор аёл", "Ҳунарманд" вилоят уюшмалари бизга ёрдам қўлини чўзишди. Ҳамкорликда ишлаш натижаси дуруст бўлаяпти. Масалан, "Ҳунарманд" вилоят уюшмаси орқали Ҳиндистонда иккита сўзанамизни харид қилишди. Ҳар бири 50 минг сўмдан.

Бу усул мактаб ҳисоб рақамига қўшимча маблағ тушириш, пировардида кам таъминланган оилалар фарзандларини бепул овқатлантириш, дарсликлар олиб бериш каби масалалар ечимини топишда қўл келаяпти, албатта. Энг муҳими, ёшлар ҳунар ўрганиб кам бўлишмаяпти. Айтайлик, битта бежирим чойнакпўш тиккан ўқувчи қиз минг сўм иш ҳақи олаяпти. Буюртма асосида ишлаш имкониятига эга ёшлар эса бу ерда 24 нафарни ташкил этмоқда.

Шу ўринда Хонзода Негматованинг тиниб-тинчимаслиги, тадбиркорлиги ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Асли тошкентлик бўлган Хонзода опа университетда таҳсил олган кезларида таниқли рассом Чингиз Ахмаров томонидан ташкил этилган ўқув курсларида қатнашган. Шарқ миниатюра санъатига ихлос қўйган. Тақдир тақозоси билан Бухорода яшай бошлагач, бу меҳр, иштиёқ янада кучайди. Ахир, қадимий шаҳар обидаларидаги бетакрор нақшлар, ранглар жилосидан завқу шавқ, илҳом олмай бўладими? "Шогирдларимга доимо Бухорода яшаш фахрли дейман", дейди у ғурур билан.

Ҳозир унинг шогирдлари қўлидан чиққан зардўзлик, каштачилик буюмларини Англия, Голландия каби давлатлардаги музей ва кўргазмаларда кўриш мумкин. Бу касб сир-асрорларини ўрганиб ҳаётга йўлланма олганлар эса ўзларига тинч яшашмоқда, касб-ҳунар коллежларида ишлашяпти. Сирасини айтганда, қўлида гулдай ҳунари бор кишига иқтисодий қийинчиликлар писанд эмас.

-Биз учун кўҳна Бухоронинг сайёҳлар гавжум жойидан савдо растаси ажратишса яхши бўларди, - дейди Х.Негматова. – Чунки ҳозир маҳсулотларимиз воситачилар орқали сотиляпти. Уни тўғридан-тўғри бозорга чиқарсак бунда мактаб манфаатдорлиги ошарди.

Ўқувчиларнинг кўз нури, юрак қўри ҳосиласи сифатида юзага келаётган бежирим буюмларга боқиб тўгарак аъзолари ҳар қанча қўллаб-қувватланса арзийди, деган фикрга келасан киши.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# БОҒОЛОНЛИК "ФАРАНГ"ЛАР

(Боши 1-бетда)

Лицей-интернат ташкил топганидан бери бу билим даргоҳини битказган 90 нафардан зиёд ёшлар турли таълим муассасаларига ўқишга кирган. 14 нафар собиқ ўқувчи эса олий ўқув юртларида француз тили мутахассислиги бўйича таҳсил олишни давом эттиришмоқда.

Лицей-интернатнинг 7 нафар ўқувчиси республика фан олимпиадалари ғолиб ва совриндорлари бўлишининг ўзиёқ бу ерда таълим-тарбия юқори даражада олиб борилаётганини кўрсатади.

Айниқса, ушбу таълим даргоҳини битказиб, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетида таҳсил олган Улуғбек Мансуров "Французча- ўзбекча луғати" тузиб нашр қилдиргани, эътиборга лойиқ. Айни кунда Улуғбек Мансуров университетни тугаллаб, Франциянинг Ўрта Осиёни ўрганиш институтида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Хоразмнинг чекка қишлоғидаги лицей-интернатда француз тилини ўргатиш борасида олиб борилаётган ибратли ишлар, ижобий ютуқлар, табиийки Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари диққатини тортди. Шу боисдан 1995 йилда Франциянинг республикамиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Пол Везиан, 1998 йилда Жан Клод Ришар лицей-интернатга келиб, унинг фаолияти билан танишганди. Айни кунгача Франция элчихонасидан кўплаб расмий кишилар лицей-интернатга келиб, ўқувчилар билан француз тилида жонли мулоқотда бўлдилар.

-Яқиндагина француз тили ҳамкорлиги атташеси Жаклин Плесси келиб, услубий ёрдам уюштириб, французча китоб, қўлланмалар тақдим қилганди. Шунингдек, ўқувчилар учун яратилган ўқув қўлланмалари бўйича семинар ҳам ўтказди. У ўқувчиларимизнинг французчада эркин гапираётганларини кўриб ҳайратини яширолмади, - дейди лицей-интернат директори Фарҳод Ҳайитбоев.

Лицей-интернат фақатгина француз тилидан эмас, бошқа фанлардан ҳам ўқувчиларга юқори даражада таълим бермоқда. Айниқса, Омонбой Сапаев, Зулхумор Мадаминова, Гулшод Каримова, Дилфуза Мансурова, Аҳмад Авазов сингари ўқитувчилар ўқувчиларнинг севимли мураббийларидан.

Ҳа, мўъжазгина таълим масканни катта ютуқларга эришмоқда. Бу ердан учирма бўлаётган қалдирғочлар келгусида мамлакатимиз ривожига муҳим улуш қўша олишларига ишончимиз комил.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Наманган туман Хонобод қишлоғида истиқомат қилаётган Турсунбу ая Ғайназарова яқинда 110 ёшни қаршилади.**
**СУРАТДА: табаррук онахон чевара-эваралари даврасида.**

**П.АКБАРОВ олган сурат.**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

***Ҳар доим футбол бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон кубоги беллашувлари муросасиз, кескин курашлар остида ўтганлиги маълум.***



Бу сафарги кубокнинг чорак финал босқичи биринчи давра баҳслари ҳам ишқибозлар кутганидек, қизиқарли, ҳужумкор кечди. Дарвоқе, мамлакатимизнинг етакчи жамоаси "Пахтакор" ушбу баҳсни маълум сабабларга кўра анча аввалроқ ўтказиб, Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратганди. Кубок мусобақаларининг қолган учрашувларида эса қуйидаги натижалар қайд этилди: "Нефтчи" – "Насаф" 3:0, "Бухоро" – "Навбаҳор" 1:1, "Сурхон" – "Машъал" 5:1. Ўзбекистон Биллур соврини учун уюштириладиган чорак финал баҳсларининг такрорий учрашувлари 24 май куни бўлиб ўтади.

## АВТОПОЙГАЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

***Тошкент шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли майдонда автопойга бўйича Тошкент шаҳар Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.***

"Сен ёлғиз эмассан" республика болалар ижтимоий жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар автомобил федерацияси ҳамкорлигида "Сен ёлғиз эмассан" хайрия марафони доирасида ташкиллаштирилган ушбу мусобақаларда 26 нафар автопойгачи ғолиблик учун ўзаро кураш олиб борди. Двигатель ҳажми 1600 ва 1400 $см^3$ бўлган А-7, А-8 русумли автомобилларда ўтказилган мусобақаларда ғолибни аниқлаш осон кечмади. Аммо турнир якунида двигатель ҳажми 1400 $см^3$ бўлган автомобилда ғолибликка Дидовский сазовор бўлган бўлса, двигатель ҳажми 1600 $см^3$ бўлган автомобил пойгасида Давлат Ўрозалиевга тенг келадиган рақиб топилмади.

## ЁШ ТАЭКВАНДОЧИЛАР ТОТАМИДА

***Истиқлол шарофати туфайли бошқа спорт турлари қатори таэквандо ривожига ҳам катта аҳамият қаратилаётгани қувонарлидир.***

Айниқса, таэквандони ёшлар ўртасида оммалашиб бораётгани таҳсинга сазовор. Куни кеча пойтахтимизда таэквандо бўйича 11-12 ёшли болажонлар ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Унда пойтахтлик ёш таэквандочилардан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятлардан ташриф буюрган бўлғуси спортчилар ҳам ғолиблик учун муросасиз кураш олиб боришди. Кескин курашларга бой, қизиқарли ўтган беллашувлар якунида биринчи ўрин пойтахтлик таэквандочиларга насиб этган бўлса, бухороликлар иккинчи, Тошкент вилояти вакиллари учинчи ўрин билан кифояланишди. Мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари туҳфа этилди.

## ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

***Футбол бўйича мамлакат миллий, олимпия ва ёшлар терма жамоаларининг аъзоси Илёс Зейтуллаевнинг Италиянинг машҳур "Ювентус" клубида тўп сураётганлиги ишқибозларга маълум, албатта.***

Аммо сўнгги олинган маълумотларга қараганда, Илёс янги мавсумни Италиянинг иккинчи дивизиони "Наполи" жамоасидада бошлаши мумкин.

## ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИ ТАШРИФ БУЮРИШАДИ

***Аввал хабар берганимиздек, 18 май куни "Пахтакор" марказий ўйингоҳида ўзбек футболининг юлдузи Биродар Абдураимов таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб футбол байрами ўтказилади.***

Шуниси эътиборлики, ўша куни яшил майдонда Ўзбекистон фахрийлар терма жамоаси ҳамда собиқ иттифоқ терма жамоаси ишқибозларга ажойиб ўйин намойиш этишади. Қуйида эътиборингизга Рустам Акрамов ҳамда Георгий Ярцевлар бош мураббийлигидаги собиқ иттифоқ ҳамда Ўзбекистон фахрийлар терма жамоалари таркибини эълон қиламиз:

Собиқ иттифоқ: Р.Дасаев, Қ.Ўрдабоев, В.Бессонов, В.Хидиятуллин, Ҳ.Фузайлов, В.Гладилин, В.Зуйков, А.Пятницкий, Х.Огенесян, М.Қосимов, А.Якубик, Б.Абдураимов, Г.Ярцев, В.Турсунов, В.Егорович, М.Муҳаммадиев, Г.Соганов, М.Гурман, С.Байшаков.

Ўзбекистон терма жамоаси: А.Жабборов, С.Ковшов, Ф.Магомедов, У.Рўзимов, Г.Денисов, Р.Мирсодиқов, Р.Забиров, Т.Шоймардонов, И.Шквирин, А.Абдураимов, Ш.Мақсудов, А.Дўрмонов, Р.Ҳайдаров, И.Аҳмедов, М.Кабаев, В.Абрамов, Баҳодир Абдураимов, Ботир Абдураимов, Жасур Абдураимов.

Дарвоқе, ушбу футбол спектаклини Гали Имомов (бош ҳакам) Сардор Нажафалиев ва Зокир Абдуллаев (қанот ҳакамлари)лардан иборат ҳакамлар бригадаси бошқариб боради.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# "ҚОР ОДАМ" БОРМИ?

***Оламда турли-туман мўъжизалар, ғаройиб воқеалар, сир-синоатлар кўп. Бундан ўн йил муқаддам Шоҳимардондаги сўлим гўшага дам олгани боргандим. Оромгоҳда уч кишилик хонага жойлашдим.***

Шерикларим қирқ беш ёшлар чамасидаги Аҳмадали ва Соҳиб исмли бешариқлик ўқитувчилар экан. Биз жойлашган хона деразасидан оромгоҳ яқинидаги ҳовлилар кўриниб турарди. Улардан бирида Соҳиб аканинг курсдоши яшаркан.

Эртасига эрталаб Соҳиб ака унга келганини хабар қилди. Муаллим чиқиб биз билан ҳам танишди ва зўр жойга олиб боришини айтди. Тушдан кейин оромгоҳнинг ўнг тарафидаги ялангликда ўсган ўрик ёнида дам олиш учун тўхтадик. Бешариқликлар гулхан ёқиб, кавказча кабоб пиширишди. Тановулдан сўнг гап айланиб "қор одам"га тақалди. Шунда шоҳимардонлик муаллим "қор одам шу тоғларда ҳам бор", деб қолди. Ишонқирамай, "учратганмисиз?", деб сўрадим. У "учратганда қандоқ", дея бир бошдан ҳикоя қилишга тушди:

-1973 йили Фарғонадаги педагогика институтини битириб, қишлоғимизга ишга келдим. Ўшанда ғирт атеист эдим. Мактабда рўза тутиб келган айрим болаларга мажбуран сув ичирардим. "Атеистик бурчак" дейсизми, шу руҳда маъруза қилиш дейсизми, ўзим ҳаммасининг бошида тураман. Яна бир ёмон одатим, шўхроқ болаларга танбеҳ бериш билан чекланмай, дарсдан сўнг олиб қолиб ураман ҳам.

Орадан уч йил ўтиб, эрта баҳорда ғалати воқеа юз берди. Тоғлардаги қорлар эриб, кўм-кўк майсалар чор-атрофни гиламдек қоплаган, одамлар қиш бўйи бепоён кенгликларни соғинган қўй, эчки, молларини тоғ-тошларга ҳайдай бошлаган пайтлар. Кўп қатори мен ҳам тўртта қўйимни эрталабдан тоққа ҳайдайман. Ишдан қайтганимдан сўнг, бир-икки соат ўтгач, қўйлар ўзи келарди. Лекин ўша куни жониворлар ҳадеганда қайтавермади. Қўлимга сопи узун паншахани олиб қидиргани чиқиб кетдим. Бир соатча қидириб, турбазанинг тепасидаги бодом олдидан чиқиб қолдим. Қўйларим ўша ерда, қари бодомнинг ортидаги катта харсанг тошга қатор суянганча қотиб туришарди. Сўқмоқ йўлдан юриб, қўйларнинг ортидан бордим. Зўр бериб ҳайдайман-у, улар жойидан жилмайди.

Шунда энг олдинда турган она қўйни паншаха билан солдим. Қўй чап бериб юборганига қарамай, бешлик ерга тегмади. Яна бир марта ураман деб сирғаниб кетиб, қўлимдаги бешликни ерга тирайман деган хаёлда олдинга йиқилдим. Оёқларим сержун, семиз бир гавдага урилганини пайқадим, бироқ унинг ўзи кўринмасди. Қўлимдаги бешликка қарасам, унинг учи ҳам 2-3 сантиметр ҳавога "санчилиб", кўринмай қолибди. Дарров тортиб олдим-да, юқорига қараб қочган қўйларимнинг ортидан югурдим. Уларга етиб олгач, сўқмоққа ҳайдадим ва шу йўлдан пастга қараб ҳайдаб тушдим.

Очиғи, қўрқиб кетгандим. Оёқларим яна сержун танага урилгандай бўлаверарди. Уйга етиб келгач, қўйларимни апил-тапил қўрага қамадим-да, меҳмонхонага кириб ётиб олдим. Онам ва хотинимга "мазам қочиб қолди", деб қўя қолдим. Эртасига бўлиб ўтган воқеани ўйлаб, "менга шундай туюлган, барибир бу мўъжиза эмас", деган фикрга келдим. Бироқ, шундан сўнг қўйларимни тоққа ҳайдамай қўйдим.

**А Ж А Б О !**

Орадан икки-уч ҳафта ўтгач, уйимизга 300 туп чамаси эртаки помидор кўчати экдик. Энг қўрқинчли воқеа ўша куни тунда содир бўлди. Ярим кечаси қўра томондан келган оёқ товушларидан уйғониб кетдим. Кимдир у ёқдан чиқиб томорқамизга ўтганди. Дарров кийиниб, айвонга чиқдим. Не кўз билан кўрайки, томорқамиз ўртасида ҳаммаёғини жун босган бўйи 2 метр келадиган баҳайбат махлуқ менга қараб турарди. Қизиғи, кўзлари ялтираб ёниб турибди, жон ҳолатда ўзимни ичкарига урдим.

Эрталаб турганимизда совлиғимиз ўлиб ётганини кўрдик. Нимадир бўйнидан бўғизлаганди. Томорқадаги помидор кўчатининг ярмидан кўпи узилиб ётарди. Хотиним билан онам булар "бирорта қутурган, дайди итнинг ишидир", деб ўйлашди. Мен кечаси кўрганларим тўғрисида индамай қўя қолдим. Чунки томорқада гапимни тасдиқлайдиган ҳеч қандай из қолмаганди. Шундан кейин кўп ўтмай, она қўйимизнинг ҳар иккала эгиз боласи ҳам ўлиб қолди.

Май ойида ўқувчиларни саёҳатга "Кўли Қуббон"га олиб чиқдим. Кўлнинг нариги томонига ўтганимиздан сўнг кўзим яна тоғнинг тепасига шитоб билан чиқиб бораётган ўша жундор махлуққа тушди. Шунда унга яхшилаб эътибор бердим. У айнан газета-журналларда ёзилаётган "қор одам"нинг ўзи эди. Ёнимдаги ўқувчиларим "нимага қараяпсиз, домла?", дея ўша томонга қарашди. Лекин улар ҳеч нарсани кўришмасди. Мен яна бир маротаба индамай қўя қолдим.

Майнинг охирлари, июннинг бошларида "қор одам" тез-тез уйимизга кела бошлади. Аммо у мендан бошқа ҳеч кимга кўринмасди. Кечаси уйимизга кирган ва ётган пайтимда ёнимга келиб, тиззалаб ўтириб, мени томоғимдан бўғадиган одат чиқарди. Кўзимни юмган заҳотим, бўғзимдан оларди. Кундузлари кўзга кўринмасди. Оқибатда кечалари ухлай олмайдиган бўлиб қолдим. Озиб-тўзиб кетдим, ишга ҳам чиқмай қўйдим. Ўзимда руҳий касаллик аломатларини сеза бошладим. Докторларнинг кўрган барча тадбирлари ҳам фойда бермади. Охири "эскича" усулларни ҳам синаб кўришга қарор қилдим. Қолган битта қўчқоримни сўйдим, домлаларни чақириб хатми Қуръон қилдик. Шундан кейин мўъжиза юз берди. "Қор одам" кечаси келиб мени бўғмайдиган бўлди. Фақат кундузлари тоғ бағрида кўзимга бир-бир кўриниб турарди.

Ўша йили ёзда Лочин полвон бошчилигидаги полвонлар кечгача турбазада томоша кўрсатиб, бизникида меҳмон бўлишди. У билан яккама-якка сўзлашиб ўтириб, бўлиб ўтган воқеаларни айтиб бердим. Лочин полвон менга дам солиб, тумор берди. У ўшанда "Сизни кўзингизга дев кўринган, уни дам олиб ётганда безовта қилгансиз. Лекин дуо девни йиқитади. Доимо "бисмиллоҳ"ни айтиб, калима келтириб юринг. Ўқувчиларни урманг, тилингиз ва қўлингиз билан ҳеч кимга зарар етказманг.

Шундан сўнг калима келтиришни ўргандим. Лекин ишни ҳам ташлаганим йўқ. Икки ойгача "қор одам" гоҳ-гоҳида кўриниб турди. Кейин бутунлай йўқолиб кетди. Ҳозир хаёлимга келтирсам ҳам кўринмайди. Шу тариқа бир ҳақиқатни тушуниб етдим. Худонинг қудратига асло шак келтириб бўлмас экан, - дея суҳбатдошим гапини тугатди.

Ўшанда муаллимга "одамини топиб айтдингиз. Унча-мунча мухбирлигим бор. Гапларингизни газетага ёзаман", дегандим, "ёзсангиз, ҳеч нарса қўшмасдан, ҳақиқатни ёзинг. Фақат исмимни ёзманг", деб илтимос қилганди у. Шу боис, ҳамсуҳбатимнинг номини ёзиб ўтирмадим.

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ**

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 33-мактаб томонидан 1992 йили Тўраев Ҳалил Ходихўжаевич номига берилган А №113818 рақамли 9-синфни тугатганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат молия институти томонидан 2002 йили №8474 қайд рақами билан Сафаров Ўктам Бахтиёрович номига берилган №079747 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Сергели туман ҳокимининг 2002 йил 15 январдаги 26-сон қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан якка тартибдаги тадбиркорни Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги тартиб рақами №0612921 бўлган, Туляганов Улугбек Исмогилович номига берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.ҚИРҒИЗБОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Буюртма Г-381, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 22.15 Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6